ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ – ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИ ГАРОВИ

Чунки замон ўзгаради, турмуш тарзи янгиланади, технологиялар ҳаётимизга кириб келади, аммо фарзанд тарбияси, ота-онанинг масъулияти ва оиладаги ўзаро ҳурмат каби масалалар ўзининг инсон ҳаётидаги аҳамиятини сақлаб қолаверади.



ЖАМИЯТ

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

№ 34 (1001)
2026 йил
3 сентябрь,
Пайшанба



“Бугун Янги Ўзбекистон тараққиётини соғлом табиий муҳитсиз тасаввур этиб бўлмайди. Тоза ҳаво, тоза сув, унумдор ер, яшил ҳудудлар ва бой биохилма-хиллик – булар табиат бойликлари эмас, балки халқимиз саломатлиги, иқтисодиётимиз барқарорлиги ва миллий хавфсизлигимизнинг муҳим асосидир. Шу боис муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида экология ва иқлим ўзгариши масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИ ФИДОЙИЛАРИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



% КЕЛАЖАГИНГНИ СОТМА

...нотўғри молиявий қарорнинг оқибати йиллар давом этиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир катта харид олдидан ўзингиздан сўранг: «Мен бу нарсани сотиб оляпманми ёки унинг учун келажагимнинг бир қисмини сотяпманми?»

ЖАМИЯТ
2026 йил 3 сентябрь № 34 (1001)



ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИ ФИДОЙИЛАРИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Марказий Осиё экология ва атроф-муҳит тадқиқотлари марказида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган байрам тадбири ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси – Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов, қўмита, тизим ташкилотлари ва ҳудудий бош бошқармалар, маҳаллий ва халқаро ҳамкор ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда нутқ сўзлаган Азиз Абдуҳакимов сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барча соҳаларда, хусусан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ҳам сезиларли ютуқларга эришилганлигини қайд этди.

“Бугун Янги Ўзбекистон тараққиётини соғлом табиий муҳитсиз тасаввур этиб бўлмайди. Тоза ҳаво, тоза сув, унумдор ер, яшил ҳудудлар ва бой биохилма-хиллик – булар табиат бойликлари эмас, балки халқимиз саломатлиги, иқтисодиётимиз барқарорлиги ва миллий хавфсизлигимизнинг муҳим асосидир. Шу боис муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида экология ва иқлим ўзгариши масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизими изчил такомиллаштирилиб, соҳада назорат, рақамлаштириш ва жамоатчилик иштирокини кучайтиришга қаратилган янги механизмлар жорий этилмоқда. “Яшил макон”, “Тоза ҳаво”, “Чиқиндидан холи ҳудуд”, “Эко маданият” ва “Био-мерос” умуммиллий лойиҳалари аҳоли ҳаётига тобора чуқур кириб бормоқда”, – деди у.



Раис ўз навбатида эришилган натижаларда Қўмита ва тизим ташкилотлари, халқаро ҳамкорлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва юртимиздаги барча экофаоллар-нинг ҳиссаси катта эканлигини таъкидлаб, бир гуруҳ экология фидойиларини “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирлади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон сўнгги йилларда экологик масалалар муҳокама қилинадиган муҳим марказга айланди. Самарқандда МДҲ ва Марказий Осиёда илк бор БМТнинг экология соҳасидаги қатор конференциялари ва GEF Ассамблеяси ўтказилди. Шунингдек, “Green University” ва барча ҳудудларда 14 та “яшил” техникумлар ташкил этилди. 5 та умуммиллий лойиҳа (“Яшил макон”, “Экомаданият”, “Био мерос”, “Тоза ҳаво”, “Чиқиндидан холи ҳудуд”) йўлга қўйилди. “Экополиция” ташкил этилиб, унга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган мақоми берилди.

Бундан ташқари, 522 та саноат корхонасида чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилди ва модернизация қилинди. Атмосферага ташламалар миқдори 163,5 тоннага камайди. “Тоза ҳаво” ойлиги доирасида жами 1,5 млн дан ортиқ транспорт воситалари эко-назоратдан ўтказилди. Эко-стикер тизими жорий қилинди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 793 миллион туп-дан ортиқ кўчатлар экилди. 367 та “яшил боғ” ва “яшил жамоат парклари” барпо этилди. Тошкентда “Астрономия парки” барпо этилди ҳамда “Миллий дендрология боғи” барпо қилинмоқда. 728 минг гектар майдонда ўрмонзорлар, Оролда 645 минг гектар майдонда яшил қопламалар, чўл ва тоғолди ҳудудларда 8448 гектар ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилиб, ўрмон билан қопланган майдонлар 4,5 млн гектарга етказилди. Шу билан бирга, санитар тозалаш хизмати билан қамраб олиш даражаси 90 фоизга етказилди, 240 та янги иш ўрни яратилди. 50 та полигон фаолияти тўхтатилиб, 255 гектар майдон табиатга қайтарилди. 20 та полигонда чиқиндилар сараланиб, 100 минг тонна иккиламчи хомашё қайта ишланди ва 620 та янги иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга, 80 та питомник ташкил этилди, 10 та муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдони кенгайтирилди. 3 та янги миллий табиат боғи ташкил қилинди. МЕТҲлар умумий сони 27 тага, майдони эса мамлакат ҳудудининг 15,7 фоизига (7,0 млн га) етказилди. Сунъий йўлдош суратлари орқали 254,1 млн дона дарахтнинг рақамли харитаси яратилди. Тошкент шаҳрида 600 мингдан ортиқ дарахтларнинг электрон паспорти шакллантирилди. 99 та метеорологик станция, 17 та агрометеорологик постлар, 32 та гидрологик постлар ва 58 та ҳаво сифати мониторинги пунктлари янгидан қурилди, реконструкция қилинди ва кузатув пунктлари ташкил этилди. “Замин” халқаро жамоат фонди билан ҳамкорликда 28 та автоматик станциялар ўрнатилди.



ЖАМИЯТ
2026 йил 3 сентябрь № 34 (1001)

ЎЗБЕКИСТОН ВА БАА ИҚЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

Улан-Батор шаҳрида бўлиб ўтган халқаро тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов Бирлашган Араб Амирликларининг иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит масалалари вазири доктор Амна Бинт Абдуллоҳ билан учрашди.



Учрашув давомида чўл ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, шўр ва қурғоқчиликка чидамли қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

БААнинг “Озиқ-овқат технологиялари водийси”ни ташкил этиш ва ривожлантириш борасидаги тажрибаси, илғор технологияларни қурғоқчил иқлим шароитида қўллаш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилди.

Амна Бинт Абдуллоҳ Ўзбекистонда Миллий гидрометеорология ва иқлим ўзгариши марказини ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлаб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молиялаштириш, замонавий технологиялар ва эксперт салоҳиятини жалб этишга кўмаклашишга тайёрлигини билдирди.

Бундан ташқари, БАА вазирига Ўзбекистонда Президент ташаббуси билан амалга оширилаётган миллий лойиҳа ва ташаббуслар тақдим этилди. Лойиҳалар Амна Бинт Абдуллоҳда катта қизиқиш уйғотиб, юқори баҳоланди.

Шунингдек, учрашувда “Green University” ҳузуридаги Марказий Осиё экология ва атроф-муҳит тадқиқотлари маркази директори Ғулом Бекназаров марказ фаолияти ҳақида маълумот берди.

Якунда томонлар иқлим барқарорлигини таъминлаш, сув ресурсларини тежаш, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда қурғоқчил ҳудудларни барқарор ривожлантириш йўналишларида амалий ҳамкорлик ва тажриба алмашинувини янада кучайтириш муҳимлигини таъкидлашди.



ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ
инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим йўналиши

Бугунги кунда одам савдоси инсоният олдида турган жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Одам савдоси инсоннинг эркинлиги, шаъни ва қадр қимматига тажовуз қилувчи оғир жиноят бўлиб, унинг оқибатида инсонлар мажбурий меҳнатга, жинсий эксплуатацияга ва бошқа ноқонуний ҳаракатларга жалб этилиши мумкин.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда одам савдосига қарши курашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, прокуратура органларининг вазифаси муҳим аҳамият касб этади.

Прокуратура органлари ўз ваколатлари доирасида одам савдосига қарши қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини назорат қилади, жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора тадбирларда иштирок этади. Шунингдек, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, уларга ҳуқуқий баҳо бериш ва айбдор шахсларни қонун олдида жавобгарликка тортиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Одам савдосига қарши курашиш фақат жиноят содир этилгандан кейин чора кўриш билан чекланмаслиги лозим. Энг аввало, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тушунтириш ишларини кучайтириш, айниқса ёшларни турли ёлғон ваъдалар, ноқонуний иш таклифлари ҳамда интернет орқали амалга оширилаётган алдовлардан огоҳлантириш зарур.

Шу билан бирга, одам савдосидан жабрланган шахсларни ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш ҳам муҳим вазифадир. Жабрланган шахсларга ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилиши уларнинг жамиятга қайта мослашувида катта аҳамиятга эга.

Ҳар бир фуқаро одам савдосига қарши курашишда ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Шубҳали иш таклифларига ишонмаслик, хорижга чиқишда қонуний тартибларга риоя қилиш, ўз ҳужжатларини бегона шахсларга бермаслик ва одам савдосига оид ҳолатларга дуч келганда, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш муҳимдир.

Ш. ТАМИРБАЕВ,
Қарши ҳарбий прокуратураси
адлия катта лейтенанти

ЖАМИЯТ

2026 йил 3 сентябрь № 34 (1001)



БИР АСР НАРИДАН КЕЛАЁТГАН ОВОЗ: УНИ ЭШИТА ОЛАМИЗМИ?

Тасаввур қилинг: қўлингизда бир аср аввал чоп этилган, сарғайиб кетган газета варағи турибди. Унда – ўз халқининг келажаги учун ёниб яшаган одамларнинг сўзлари, ҳайқириқлари, орзу-армонлари битилган. Аммо сиз уни ўқий олмайсиз. На бир ҳарфини, на бир сатрини. У сиз учун – фақат чиройли, аммо жимжимадор белгилар мажмуаси, холос.

Мана шу манзара – бугун журналистика йўналишида таҳсил олаётган минглаб ёшларимизнинг «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона» каби нашрлар билан юзма-юз келганда бошларидан кечираётган ҳақиқий ҳолати. Ва бу ҳолат, аслида, оддий бир камчилик эмас – бу миллий хотирамизнинг бир бўлаги билан алоқамиз узилиб бораётганидан дарак берувчи аломатдир.

Уларнинг овози қандай эди?

XX аср бошида, жадид маърифатпарварлари фаолият юритган даврда, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввархўри Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат каби зиёлилар – фақат адиб ёки мутафаккир эмас, балки ўз давридаги энг фаол публицист, энг жасур журналистлар ҳам эди. Улар «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона», «Инқилоб қуёши» каби 50 дан зиёд газета-журнал саҳифаларида таълим ислоҳоти, аёллар ҳуқуқи, миллий уйғониш ҳақида кескин ва ўткир мақолалар эълон қилишди. Бу нашрлар барчаси эски араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувида – ўша давр ёзма маданиятининг тили билан чоп этилган эди.

Бу мерос – фақат адабиётшунослик ёки тарихчилик объекти эмас. У, аввало, журналистика фанининг, миллий публицистиканинг бевосита тарихий заминидир. Ва ким, агар журналист бўлмаса, ўз касбдошларининг бир аср олдинги фаолиятини, уларнинг услуби ва жасоратини бугунги авлодга энг тўғри тушунтириб бера олади?

Нега уларни бевосита эшита олмаяпмиз?

Савол оддий, аммо жавоби аянчли: бугунги журналистика талабаларининг мутлақ кўпчилиги эски ўзбек алифбосини – демак, XX аср бошидаги миллий матбуотимизнинг тилини – ўқий олмайди. Натижада тадқиқотчи ўз она матбуотининг тарихини ёзиш учун кўпинча иккинчи, учинчи қўлдан – бошқа муаллифлар қилган транслитерация ва таржималар орқали фойдаланишга мажбур бўлади.

Бу эса илмий тадқиқотнинг ишончлилигига жиддий путур етказади. Чунки ҳар қандай воситачилик – транслитерация бўлсин, таржима бўлсин – маълум даражада талқин, яъни субъектив ёндашувни ўзига сингдиради. Демак, гап фақат «бир фан ўқитилмаяпти» деган техник масалада эмас. Гап – миллий журналистика тарихини ўрганишнинг илмий асосига, объективлигига бевосита таъсир қиладиган тизимли муаммода.

Танлов эмас, зарурат

Кўпчилик эски ёзувни фақат тилшунос ёки шарқшуносга керак бўлган тор мутахассислик, деб ўйлайди. Бу – нотўғри тасаввур. Журналистика – ижтимоий хотира билан ишлайдиган соҳа, ва журналист ўтмишни билмасдан туриб бугунги касбий маҳоратини тўлиқ шакллантира олмайди.

Эски ёзувни билган журналист-тадқиқотчи асл нусхаларни ҳеч қандай воситачиликсиз ўқийди, архив ва кутубхоналардаги минглаб ҳужжатдан тўлақонли фойдаланади, матннинг ёзилган давр руҳиятини чуқурроқ ҳис қилади ва объектив хулосалар чиқаради. Бу – нафақат амалий кўникма, балки миллий тафаккур тарихи, ёзув маданиятининг узвийлигини ҳис этиш имконини берадиган маънавий-интеллектуал восита ҳамдир. Жаҳон тажрибасида ҳам ўз тарихий ёзувидан воз кечган халқларнинг зиёлилари, хусусан журналист ва тарихчилари, ўша ёзувни махсус ўрганишади – бу миллий ўзликни англашнинг ажралмас қисми.

Аудиторияда нима юз бермоқда?

Республикамизда журналистика йўналишида таълим берувчи 20 га яқин олий таълим муассасаси мавжуд. Уларнинг ўқув режаларини кўздан кечирсак, аянчли манзара кўз олдимизда намоён бўлади: эски ўзбек ёзуви бирон-бир жойда мустақил, тўлиқ ҳажмдаги фан сифатида ўқитилмайди. Айрим жойларда бу мавзу умуман йўқ, айрим жойларда эса бошқа бир фаннинг таркибида, бир-икки маъруза ҳажмида, юзаки тарзда «тегиб ўтилади», холос.

Бундан-да ачинарлиси – баъзи муассасаларда эски ёзув танлов фани сифатида таклиф этилади. Аммо миллий матбуот тарихи, жадидлар мероси – булар танлаш мумкин бўлган ихтиёрий мавзулар эмас, ҳар бир журналист учун касбий заруриятдир. Тиббиёт талабаси анатомияни, юрист адвокатура одобномасини мажбурий ўрганади, чунки булар – касбнинг устуни. Хўш, нима учун журналист учун ўз касбининг тарихий пойдевори – ихтиёрий масала деб қаралади?

Оқибатда журналистика факультетини битирган ёшларнинг аксарияти на «Садойи Туркистон»ни ўқий олади, на таҳлил қилади. Ҳатто магистратура ва илмий изланиш босқичидаги тадқиқотчилар ҳам жадид матбуоти мавзусида ишлаётганда, аллақачон кирилл ёзувига ўгирилган иккиламчи манбалар билан чекланиб қолмоқда.

Йўқотиш занжири

Бу эътиборсизликнинг оқибати бир йўналиш билан чекланмайди – у бутун бир занжирни ҳосил қилади. Илмий жиҳатдан – тадқиқотлар сифати ва объективлиги пасаяди. Касбий жиҳатдан – журналистлар ўз касбининг тарихий илдизларидан узилиб қолади, устоз-шогирдлик анъанаси йўқолади. Маданий-маънавий жиҳатдан – миллий ёзув маданиятининг бир қатлами амалда «мавҳум мерос»га айланиб, ёпиқ, ўқилмайдиган ҳолатда сақланиб қолмоқда. Институционал жиҳатдан эса – бу фанни ўқита оладиган устозлар сони ҳам йилдан-йилга камайиб бормоқда, улар ёшариб бормаяпти.

Агар бугун бу занжирни узмасак, эртага биз ўз тарихимизни ўрганиш учун яна четдан – хорижлик шарқшунослар тайёрлаган материалларга таяниб қолишимиз мумкин. Миллий журналистика тарихи фани учун бундан-да номақбул ҳолат бўлмаса керак.

Дунё бизга нима ўргатади?

Ёзувини ўзгартирган кўплаб халқлар ўз тарихий ёзувини сақлаб қолиш борасида изчил сиёсат юритган. Хусусан, туркий халқлар орасида араб ёзувидан лотин ёки кирилл ёзувига ўтган давлатларнинг қатор олий таълим муассасаларида эски ёзув филология, тарих ва журналистика йўналишлари учун мажбурий фан сифатида ўқитилади. Бу – ўша давлатларнинг ўз тарихий-маданий меросига масъулиятли муносабатининг кўрсаткичи. Бизда эса бу борадаги бўшлиқ ҳамон бартараф этилмаяпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2023 йил 23 декабр куни маънавиятчилар билан учрашувда жадид боболаримиз каби ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрларнинг сув билан ҳаводек зарурлигини таъкидлаб, халқимиз жадид боболаримиз кўрсатиб берган йўлдан оғишмай бориши кераклигини алоҳида таъкидлаган эди. Демак, бу масалага бепарволик – истиқболимизга бефарқликдир.

Хўш, нима қилиш керак?

Ечим, аслида, унчалик мураккаб эмас – у сиёсий ирода ва тизимли ёндашувни талаб қилади, холос. Эски ўзбек ёзуви журналистика йўналишидаги барча гуруҳлар учун мустақил, мажбурий фан сифатида ўқув режасига киритилиши, шу билан бирга XX аср бошидаги миллий матбуот тарихи ва жадид публицистикаси билан узвий боғлиқ ҳолда ўқитилиши лозим. Бунинг учун малакали педагог кадрлар тайёрлаш дастури, ягона намунавий ўқув-услубий мажмуа яратилиши, талабаларни архив ва кутубхоналардаги асл манбалар билан амалий ишлашга жалб этиш зарур. Бу масала олий таълим муассасалари доирасида эмас, балки тегишли вазирлик ва илмий-услубий кенгашлар даражасида ҳам кўтарилиши, давлат таълим стандартларига мослаштирилиши керак.

Калитни ким беради?

Эски араб ёзувини журналистика таълимида мустақил фан сифатида ўрнатиш – бу ортга қайтиш ёки эскиликка ружу қўйиш дегани эмас. Бу – ўз тарихимизга, ўз матбуотимизнинг илдизларига ҳурмат билан ёндашиш, уни асл ҳолида, тўғри ва теран тушуниш имконини берадиган касбий заруриятдир. Том маънодаги журналист-тадқиқотчи ўз халқининг матбуот тарихини бошқа биров таржима қилиб берган нусха орқали эмас, балки ўзи бевосита ўқиб, ҳис қилиб ўрганиши керак.

Бугунги куннинг ёш журналисти – эртанги кунда миллий матбуот тарихини ёзувчи, уни келажак авлодларга етказувчи шахс. Агар биз унга ҳозирдан ўз тарихининг калитини бермасак, эртага у ёпиқ эшик олдида қолиб кетиши, ўз халқининг бир аср олдинги овозини эшита олмаслиги мумкин. Шу боис бу масалани таълим соҳасидаги оддий ташкилий камчилик эмас, балки миллий журналистиканинг келажаги учун стратегик аҳамиятга молик масала сифатида баҳолаб, зудлик билан ҳал этишимиз лозим. Бу ишни бугун бошламасак, эртага кечикканимизни англаб, йўқотилган вақт учун афсусланиб қолишимиз мумкин.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
ЎзЖОКУ профессори,
Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси

ЖАМИЯТ
2026 йил 3 сентябрь № 34 (1001)



ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ – ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИ ГАРОВИ

Аҳолининг кўпайиши азалдан миллат ва цивилизациянинг куч-қудрати ва соғломлигидан дарак берса, унинг камайиши халқ ва жамият хасталигининг ёрқин белгисидир. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг маълум қилишича, 2026 йилнинг январ-июн ойларида Ўзбекистонда 92,3 мингта никоҳ ва 24,8 мингта ажрим қайд этилган.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан никоҳлар сони 3 мингтага камайган ҳолда, ажримлар 1,5 мингтага кўпайган. Бу ўз навбатида мамлакатда жамиятнинг асосий негизи ҳисобланган оила институтига жиддий хавф таҳдид солаётганидан дарак беради.

Патрик Жозеф Бьюкенен ўзининг “Ғарбнинг ҳалокати” асарида Европа мамлакатлари аҳолиси ақл бовар қилмас даражада камайиб бораётгани, уларда ўлим кўрсаткичи туғилишдан кўра анча юқорилаб кетгани ва бу давлатларда беланчакдан кўра тобутга эҳтиёжни ошираётгани ҳақида бонг уради. Шундай мураккаб паллада, тамаддуний ва насроний қадриятлардан халос бўлган, ҳаётга иштиёқи бутунлай сўнган, ўлимни назар-писанд қилмаган Ғарб кишиси айш-ишратдан ҳаловат излаётганини афсус-надомат билан қайд этади.

Хўш, дунёнинг энг ривожланган минтақасида бундай аянчли вазият вужудга келишининг сабаблари нимада? Европа жамиятининг бир неча авлоди учун жозибали идеал бўлиб келган социализм ғояси (ижтимоий адолат, тенглик ва ишлаб чиқариш воситаларига жамоат (давлат) эгалигини ёқловчи ғоялар тизими)ни шундай сабаблардан бири дейиш мумкин. Агар ҳар бир одамга давлат нафақаси кафолатланадиган бўлса, кексайганда ўзига хос суянч бўладиган фарзандларга ҳожат қоладими? Ёхуд иқтисодий жиҳатдан ўзини эркин ҳис қилиши учун етарли миқдорда даромад топаётган аёл учун турмуш қуриш чинакам ҳаётий мақсадга айланиши мумкинми? Ва ниҳоят, бутун Ғарбда оммалашганидек, контрасептив воситалар ёрдамида ҳомиладор бўлмасдан жинсий эҳтиёжни қондириш имконияти бўлса, турмуш қуриш ёки уйланишга не ҳожат?” Бир сўз билан айттанда, европа социалистлари эр, хотин ва болаларни оилавий вазифалар, бурч ва масъулиятдан озод этиб, оила институтига бўлган ижтимоий эҳтиёжни йўққа чиқарди.

Дарҳақиқат, мамлакатда никоҳлар ва оилалар сонининг тез суръатлар билан камайиб бориши оила қадриятининг йўқолишига, демографик вазиятнинг издан чиқишига ва охир-оқибат миллатнинг, миллий давлатчиликнинг ҳалокатига сабаб бўлади.

Оила ҳақида гап кетганда, биз бу масалага фақат бугун пайдо бўлган муаммо сифатида қарамаслигимиз керак. Чунки оила, фарзанд тарбияси, эр-хотин муносабати, ота-онага эҳтиром, меҳнат ва масъулият каби тушунчалар халқимиз маънавий ҳаётида асрлар давомида шаклланган қадриятлардир. Айниқса, Моваро-уннаҳрдан етишиб чиққан буюк алломаларнинг илмий ва маънавий меросида инсон тарбияси, оилавий муносабатлар ва жамият ахлоқига дахлдор қарашлар салмоқли ўрин эгаллайди.

Имом Бухорийнинг ҳадис илмига оид улкан меросида инсоннинг ота-онага муносабати, қариндошлик ришталарини асраш, яхшилик қилиш, масъулиятли ва ҳалол яшаш каби фазилатлар алоҳида қадрланади. Бу қарашлар фақат шахсий одоб масаласи эмас. Зеро, оилада шаклланган хулқ кейин маҳаллага, маҳалладаги муносабатлар эса бутун жамият муҳитига кўчади. Демак, оила тарбияси билан жамият барқарорлиги ўртасида кўзга кўринмас, аммо жуда мустаҳкам боғлиқлик бор.

Имом Мотуридий, Имом Термизий каби алломалар меросида ҳам инсоннинг ақл-заковати, ахлоқий камолоти, масъулияти ва бошқалар билан эзгу муносабатда бўлишига оид муҳим қарашларни кўриш мумкин. Бу мерос бугунги кун учун ҳам аҳамиятини йўқотмагани бежиз эмас. Чунки замон ўзгаради, турмуш тарзи янгиланади, технологиялар ҳаётимизга кириб келади, аммо фарзанд тарбияси, ота-онанинг масъулияти ва оиладаги ўзаро ҳурмат каби масалалар ўзининг инсон ҳаётидаги аҳамиятини сақлаб қолаверади.

Ана шу нуқтаи назардан, бугун оила мустаҳкамлиги ҳақида сўз юритар эканмиз, аждодларимиз қолдирган маънавий меросни замонавий ҳаёт билан боғлаш муҳим. Шу мақсадда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида маҳаллалар фаоллари ва оқсоқоллари билан ўтказилган давра суҳбатларида ҳам оила парокандалигига олиб келаётган омиллар, эр-хотинлик ва ота-оналик масъулияти, фарзанд тарбияси каби масалалар айнан алломаларимизнинг маънавий мероси билан уйғун ҳолда муҳокама қилинмоқда.

Маҳалла фаоллари ва ибратли оила бошлиқлари чиқишларида жамият меъёрлари турли омиллар таъсирида ўзгаришларга учраётганлигини таъкидлаб, ўтган асрда инсонлар кунининг кўп қисмини фойдали меҳнатга, шунингдек, оила ва яқинлари даврасида ўтказишга сарфлаганини маълум қилишяпти. Бугунги кунда айрим ёшлар асосий вақтини ижтимоий тармоқларни кузатишга, онлайн ўйинларга, енгил-елпи ҳаёт тарзига бағишлаб, “тезкор бахт”, “ҳашаматли ҳаёт” тўғрисидаги истеъмолчилик психологияси оммалашаётгани таъкидланмоқда.

Бироқ тирик жон бўлган инсон кундалик табиий эҳтиёжларини қондириш учун ҳалол касб-ҳунар билан шуғулланиб, оила ва жамият олдидаги бурч ва масъулиятини адо этмоғи тақозо этилади. Акс ҳолда ялқовлик, текинхўрлик авж олиб, оила ва жамият таназзулга юз тутади.

Ёшларда Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга юксак ҳурмат, илмга ва касб-ҳунар эгаллашга иштиёқ уйғотиш уларда юзага келаётган шундай беқарорликларни бартараф этишга хизмат қилади. Бунинг учун жамият аъзоларидан, аввало, ота-оналар, устоз-мураббийлар ва олимлардан ихлосли илм, ҳалоллик ва эзгуликка асосланган амал, ибратли ҳаёт тарзи талаб этилади.

Бахтиёр ТУРСУНОВ
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази катта илмий ходими, фалсафа доктори (PhD)

ЖАМИЯТ

2026 йил 3 сентябрь № 34 (1001)



БЮРОКРАТИЯДАН ХОЛИ БИЗНЕС ВА ЯНГИЛАНГАН ТАФАККУР МЕВАЛАРИ

Сўнгги ўн йилликда Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳити тубдан ўзгарди. Бу борадаги энг катта буррилиш тадбиркорлар ва инвесторлар руҳиятидаги қўрқув, хавотир ва эртанги кунга бўлган ишончсизликнинг барҳам топгани бўлди. Илгари сармоядор ўз капиталини кўрсатишдан, фаолиятини кенгайтиришдан чўчиган бўлса, бугун бизнес эгаси давлатни ўзига тўсиқ эмас, балки ишончли ҳамкор ва ҳимоячи сифатида кўрмоқда.

Жумладан, валюта бозорининг эркинлаштирилиши, валютани ноқонуний муомала қилиш бўйича жиноий жавобгарликнинг бекор қилиниши ҳамда мулк дахлсизлигининг конституциявий даражада мустаҳкамланиши тадбиркорлик психологисидаги тўсиқни олиб ташлади. Шу билан бирга, йиллар давомида тадбиркорлик ривожига ғов бўлиб келган ортиқча босим, мажбурий режалаштириш ва бюрократик қоғозбозлик тизимига чек қўйилди. Назорат органларининг асоссиз текширувларига эълон қилинган мораторийлар, 100 дан ортиқ лицензия ва рухсатномаларнинг бекор қилиниши ҳамда давлат хизматларининг рақамлаштирилиб, “сукут – розилик” тамойилига ўтказилиши бизнесни ортиқча даҳмазалардан халос этди.

Айнан ана шу ижобий муҳит туфайли, Янги Ўзбекистонда давлат билан бизнес ўртасида шаклланган очиқ, самимий ва ўзаро ишончга асосланган янгича мулоқот тизими мамлакатимизни ҳар тарафлама ривожлантиришнинг кучли драйверига айланди. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан бевосита ўтказиб келаётган анъанавий очиқ мулоқоти шунчаки ҳисобот ёки расмий тадбир эмас, балки миллий иқтисодиётнинг келажак харитасини чизадиган, миллионлаб инсонларнинг турмуш тарзида ижобий ўзгаришлар ясайдиган тарихий платформа саналади.

Барчага маълум, бундан беш йил олдин Президентимиз ташаббуси билан давлат раҳбари ва тадбиркорлар ўртасида тўғридан-тўғри очиқ мулоқот ўтказиш тизими йўлга қўйилган эди. Бу эзгу анъана қисқа муддат ичида ўз мураккаб ечимларини кутиб ётган тизимли муаммоларни бартараф этишнинг беқиёс механизмига айланди. Илгари тадбиркорлар ўз фаолиятида турли бюрократик тўсиқлар, асоссиз текширувлар ва ресурслар етишмовчилигига дуч келган бўлса, бугун уларнинг муаммолари бевосита давлат даражасида тингланмоқда ва амалий ечим топмоқда.

Ушбу очиқ мулоқот тизими йўлга қўйилганидан буён ўтган давр мобайнида бизнес ривожи йўлида ғов бўлиб турган минглаб тўсиқлар олиб ташланди. Бунинг ҳуқуқий кафолати сифатида 84 та қонун, 861 та Президент фармони ва қарори қабул қилинди. Ушбу салмоқли ҳужжатлар шунчаки қоғоздаги ислоҳот эмас, балки тадбиркорларнинг кундалик фаолиятини енгиллаштирган, уларга янги имкониятлар ва эркинликлар эшигини очган реал енгилликлардир.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бизнесни қўллаб-қувватлашдан кўзланган бош мақсад мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг, ҳар бир оиланинг турмуш даражасини яхшилашдир. Сўнгги беш йилда бизнес учун ажратилган кредит портфели қарийб 3 карра кўпайиб, 450 триллион сўмга етказилди. Шуннингдек, тадбиркорлар 650 триллион сўмлик солиқ ва божхона имтиёзларидан фойдаланди. Бу маблағларнинг бизнес ихтиёрида қолиши янги лойиҳаларга, янги иш ўринларига йўналтирилиб, янада кўпроқ аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилгани билан янада аҳамиятлидир.

Президентимиз таъкидлаганларидек, бугун ўзбек тадбиркорлари оддий “бизнесни бошлаш” босқичидан ўтиб, “капитални кўпайтириш”, фаолиятни кенгайтириш ва юқори технологияларни жорий этиш босқичига қадам қўйди. Беш йил ичида корхоналарнинг асосий капиталга киритган инвестициялари ҳажми 3 баробарга ошиб, 363 триллион сўмга етди. Бу мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг сифат жиҳатидан буткул янги даражага кўтарилаётганидан далолат беради.

Шу билан бирга, ҳудудларнинг саноат салоҳияти кескин ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 100 миллион доллардан ошган туманлар сони 66 тадан 116 тага кўпайди. IT-технологиялар, финтех ва замонавий сервис тармоқларининг жадал ривожланиши ҳисобига кўрсатилган хизматлар ҳажми 1 триллион сўмлик маррадан ошган туманлар сони 41 тадан 152 тага етди. Дунёнинг етакчи маркетплейслари билан бевосита ҳамкорлик қилаётган корхоналаримиз сони 3,5 мингтага етгани эса маҳсулотларимизнинг жаҳон бозорига кириб бориш кўлами кенгаяётганини кўрсатади.

Жамиятдаги энг катта ижобий ўзгаришлардан яна бири бу – тадбиркорликнинг маҳалла даражасигача кириб борганидир. Ўз бизнесини маҳаллада кичик фаолиятдан бошлаб, бугун республика бўйлаб ўнлаб филиалларга эга бўлган тадбиркорлар сони 550 тадан, миллий бренд яратган ташаббускорлар эса 300 тадан ошди. Мис, олтин, металл прокат, полиэтилен, ПВХ ва каолин каби хом ашё ресурсларининг очиқ ва тенг шароитларда таклиф этилиши электротехника, қурилиш материаллари, фармацевтика, тўқимачилик ва мебелсозлик соҳалари ривожланишни янада тезлаштирди.

Шунингдек, “BYD”, “ADM Jizzakh”, “Sirdaryo Asaka Motors” каби замонавий автомобилсозлик ва муқобил энергетика заводларининг ишга туширилиши мамлакатимизга янги компетенциялар, юқори технологиялар ва минглаб юқори маошли иш ўринларини олиб келди. Бу эса оддий оилалар фарзандларининг ўз юртида замонавий мутахассисликни эгаллашига ва муносиб даромад олишига замин яратмоқда.

Энг муҳими, Президентимиз очиқ мулоқот давомида тадбиркорлар томонидан кўтарилган долзарб масалалар ва таклифлар асосида миллий иқтисодиётни янада юксалтиришга қаратилган 5 та асосий йўналишни ва муҳим ташаббусларни эълон қилди.

Жумладан, эндиликда бизнеснинг ҳар бир босқичига мос келувчи комплекс экотизим яратилади. Янги бизнес бошловчилар учун “Бизнес старт”, фаолиятини кенгайтираётганларга “Бизнес лифт” ва йирик ўсиш босқичига ўтаётганларга “Бизнес юксалиш” дастурлари амалиётга жорий этилади. “Бизнес старт” доирасида сунъий интеллект ёрдамида лойиҳа, кредит ҳужжатлари ва ҳисобот юритиш ўргатилиб, 100 миллиард сўм ажратилади ҳамда 200 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар берилади.

Давлат активларини сотиб олишда аванс тўлови 30 фоиздан 15 фоизга туширилади, 6 ойда тўлиқ тўлаганларга 25 фоиз чегирма берилади. Сумманинг ярмини тўлаган тадбиркор қолганини 7 йилда фоизсиз бўлиб тўлаши мумкин. Энг муҳими, аукционда ер сотиб олган тадбиркорлар қурилишни бошлаш учун ойлаб ҳужжат йиғиб юрмайди – ҳокимлар ерни “тайёр пакет” шаклида сотувга чиқаради.

Шунингдек, Навоий, Жиззах, Наманган, Ургут ва Ҳазорасп каби махсус иқтисодий зоналарда “Бонд саноат зоналари” ташкил этилиб, уларга олиб кириладиган хом ашё ва бутловчи қисмлар барча солиқ ва божхона тўловларидан озод қилинади. Инфратузилмага эга тайёр бинолар ажратиш учун 50 миллион доллар йўналтирилади.

Шу билан бирга, “10 минг корхона учун – сунъий интеллект ҳамкор” дастури ишга туширилади. Корхоналарга сунъий интеллектни жорий қилиш харажатларининг 50 фоизи давлат томонидан қоплаб берилади, дастурнинг биринчи босқичига 100 миллион доллар ажратилади. Хусусий секторни капитал бозорига олиб чиқиш учун йилига даромади 1 триллион сўмдан юқори бўлган 50 та корхона танлаб олиниб, уларни халқаро IPOга тайёрлаш ва ҳисоботларини халқаро стандартларга мослаштириш харажатларининг ярми қоплаб берилади. Бу хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун йилига камида 1 миллиард доллар хорижий капитал жалб қилиш имконини беради.

Якуний ва муҳим ташаббус – кичик бизнесда инсон соғлиғи ва бошқалар манфаатига зарар етказиш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай текширишлар учун 3 йил муддатга мораторий эълон қилинди. Барча турдаги жарималар миқдори ўртача 2 баробар камайтирилади. Давлат ва тадбиркор ўртасидаги низоларда “Тадбиркорнинг ҳақлилик презумпцияси” ҳамда “Биринчи хато учун огоҳлантириш” тамойиллари жорий этилади. Биринчи бор хато қилган ва зарар етказмаган тадбиркорга камчиликни бартараф этиш учун 10 кун берилади ва у жаримага тортилмайди. 30 дан ортиқ фаолият тури бўйича лицензия ва рухсатномалар бекор қилинади, 50 фоиз давлат хизматлари “сукут – розлик” тамойилига ўтказилади.

Илгари минглаб юртдошларимиз оиласидан, фарзандлари бағридан узоқда – хорижда машаққатли меҳнат қилиб даромад топган бўлса, бугун тадбиркорликка берилган кенг имкониятлар туфайли улар ўз маҳалласида, ўз туманида муносиб иш билан таъминланмоқда. “Маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш тизими орқали минглаб оилалар ўз бизнесини очиб, камбағалликдан чиқмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, миллий мустақиллигимизнинг энг катта ютуғи ва бебаҳо неъмати – бу ўз юртимизда эркин яшаш, меҳнат қилиш ва ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш имкониятидир. Мустақиллик берган бу улуғ ҳуқуқ бугун тадбиркорлик ҳаракати тимсолида ўзининг реал амалий ифодасини топмоқда. Давлат ва бизнес ўртасидаги самимий мулоқот, эркинликлар, солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда мисли кўрилмаган қўллаб-қувватловлар шунчаки иқтисодий кўрсаткичларни оширишга эмас, балки суверенитетимизнинг иқтисодий пойдеворини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Аслиддин НУРИДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети
кафедра бошлиғи, юридик фанлар
доктори, доцент

ЖАМИЯТ

2026 йил 3 сентябрь № 34 (1001)





МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Актам ҲАЙИТОВ
Камолиддин ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-910
Адади: 3018
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 0010-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

2026 йил 3 сентябрь № 34 (1001)



% КЕЛАЖАГИНГНИ СОТМА

Тасаввур қилинг. Бугун янги телефон сотиб олдингиз. У сизга бир муддат қувонч беради. Бир неча ойдан кейин ундан янгироғи чиқади. Бугун янги машина олдингиз. У сизга қулайлик беради. Аммо вақт ўтиши билан унинг бозор қиймати ўзгаради. Бугун ҳашаматли тўй қилдингиз. Бир кеча давомида ҳамма сизга қаради. Эртаси куни меҳмонлар тарқалди.

Буларнинг ҳеч бири ёмон эмас.

Муаммо – уларнинг қайси маблағ ҳисобидан қилинганида. Агар уларнинг ортида етарли даромад ва молиявий имконият бўлса, бу бир масала. Агар уларнинг барчаси қарз ҳисобига қилинган бўлса – бошқа масала. Чунки қизиқиш ўтади. Ҳавас сўнади. Буюм эскиради. Тўйнинг шовқини тинади. Аммо қарз шартномасидаги мажбурият қолади. Инсон баъзан бир кунлик обрў учун бир неча йиллик хотиржамлигини гаровга қўяди.

«Қўшним машина олди». «Танишим уйини жуда чиройли таъмирлади». «Улар тўйни катта ресторанда қилди». «Ҳаммада янги телефон бор». «Мен ҳам орқада қолмаслигим керак».

Шу тариқа инсон ўз эҳтиёжини ўзи белгиламай қўяди. Эҳтиёжни таққослаш белгилай бошлайди. Инсон ўз имкониятига қараб эмас, бошқаларнинг ташқи кўринишига қараб қарор қабул қилади. Бунинг энг катта муаммоси шуки: Сиз бошқаларнинг витринасини кўрасиз, лекин уларнинг қарз шартномасини кўрмайсиз. Кимдир янги машинасини намойиш қилади. Аммо унинг ҳар ой қанча тўлов қилаётганини билмайсиз. Кимдир ҳашаматли тўйини кўрсатади. Аммо тўйдан кейин қанча мажбурият қолганини билмайсиз. Кимдир бойдек кўринади. Аммо ташқи кўриниш унинг ҳақиқий молиявий аҳволини кўрсатмайди.

Ижтимоий тармоқлар эса бу иллюзияни янада кучайтириши мумкин: инсонлар кўпинча ҳаётининг энг чиройли томонини кўрсатади, унинг ортидаги мажбуриятларни эмас.

Инсон ҳали ишлаб топмаган пулини олдиндан тақсимлай бошлайди. Бугунги даромаднинг бир қисми – кечаги қарорлар учун. Қолган қисми – бугунги эҳтиёжлар учун. Эртанги режалар эса кутишга мажбур. Шундай қилиб, инсоннинг келажакдаги даромади ҳали қўлига келмасидан олдин мажбуриятларга бўлиниб кетади. Бу – молиявий эркинликнинг тескариси. Молиявий эркинлик фақат кўп пул топиш эмас. У – топган пулингизнинг бир қисмини ўз хоҳишингизга кўра бошқара олиш имконияти. Шунинг учун бугунги ҳар бир кераксиз қарз – эртанги бир имкониятнинг қисқариши бўлиши мумкин.

Инсоннинг даромади чекланган. Бир пулни икки марта ишлатиб бўлмайди. Агар даромаднинг катта қисми мажбурий тўловларга кетса, бошқа мақсадларга камроқ маблағ қолади. Масалан:

– фарзанд таълими;
– уй-жой;
– жамғарма;
– касб ўрганиш;
– тадбиркорлик;
– ишлаб чиқариш;
– кутилмаган харажатлар учун молиявий захира.

Шу маънода, кераксиз қарз фақат бугунги пулни эмас, эртанги имкониятни ҳам қисқартиради. Қарзнинг яхши томонлари борлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Муҳими – унинг мақсади ва инсоннинг уни қайтариш имконияти. Агар қарз:

– даромад келтирадиган бизнес учун;
– ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун;
– таълим учун;
– асосли уй-жой эҳтиёжи учун;
– узоқ муддатли иқтисодий манфаат берадиган мақсад учун олинса, у инсоннинг имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиши мумкин.

Масалан, тадбиркор ишлаб чиқариш қувватини ошириш учун маблағ жалб қилиши, инсон касб ўрганиш ёки таълим олиш учун маблағдан фойдаланиши, оила эса асосли уй-жой эҳтиёжини ҳал қилиши мумкин. Бундай ҳолатда қарзнинг мақсади – ўткинчи ҳавасни қондириш эмас, келажак имкониятини яратиш. Аҳоли қарз юки билан боғлиқ хавфлар фақат шахсий молиявий масала эмас. У молиявий барқарорлик билан ҳам боғлиқ. Шу сабабли Марказий банк қарз олувчиларнинг қарз юкини чеклашга қаратилган макропруденциал чораларни қўлламоқда. Амалдаги талабларга кўра, жисмоний шахсларга бериладиган кредитлар бўйича DSTI чегараси 50 фоиз этиб белгиланган; бунда айрим истисноларнинг мавжуд.

Бу ерда жуда муҳим фарқ бор: Кредит олиш имконияти – кредит олиш зарурати эмас. Банк сизга маблағ беришга тайёр бўлиши мумкин. Аммо сизнинг ўзингиз учун энг муҳим савол: «Бу қарздан кейин ҳам мен молиявий жиҳатдан эркин қоламанми?»

Катта харид олдидан шошилманг. Ҳиссиёт билан қарор қабул қилманг. Керак бўлса, харидни бир неча кун кечиктириб, қарорингизни яна бир бор ўйлаб кўринг. Қарз шартномасини тўлиқ ўқинг. Ойлик тўловга эмас, жами қайтариладиган маблағга қаранг. Қарзнинг муддати, фоизи ва барча қўшимча харажатларини ҳисобланг. Даромадингиз камайган тақдирда ҳам тўловни амалга ошира олишингизни олдиндан баҳоланг. Энг муҳими – ўзингизни бошқалар билан солиштирманг. Чунки қўшнингизнинг даромади бошқа. Унинг оилавий мажбуриятлари бошқа. Унинг қарзи бор-йўқлиги бошқа. Унинг ҳаёт мақсади бошқа. Қўшнингиз қандай яшаши – сизнинг молиявий режангиз эмас. Сизнинг вазифангиз бошқаларнинг ҳаётини такрорлаш эмас. Сизнинг вазифангиз – ўз келажагингизни қуриш.

Хулоса

Бугунги ҳавас ўтиб кетади. Янги телефон эскиради. Машина қийматини йўқотиши мумкин. Тўйнинг шовқини тинади. Одамларнинг ҳаваси ҳам узоқ давом этмайди. Аммо нотўғри молиявий қарорнинг оқибати йиллар давом этиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир катта харид олдидан ўзингиздан сўранг: «Мен бу нарсани сотиб оляпманми ёки унинг учун келажагимнинг бир қисмини сотяпманми?»

Чунки инсон баъзан пул эмас, ўзининг эртанги хотиржамлигини сарфлаб қўяди. Бировнинг ҳаваси учун оилавий хотиржамлигингизни қурбон қилманг. Бир кунлик кўз-кўз учун бир неча йиллик меҳнатингизни гаровга қўйманг. Бугунги мақом учун эртанги эркинлигингизни берманг. Чунки бугун сиз сотиб олган ҳар бир нарсанинг нархи фақат чекда ёзилмайди. Баъзи харидларнинг ҳақиқий нархи – келажакда йўқотилган имкониятлар, кечиктирилган орзулар ва камайган хотиржамликдир.

Комил Мажид ТУРОН